Қурилиш майдонида иш бошлашдан 3 ой олдин буюртмачи томонидан бош пудрат ташкилотига барча қурилиш лойиҳалари тўлиқ ишланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бу лойиҳалар таркибида уларнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари бўлмоғи шарт ва уларда хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ҳолда тўлиқ акс эттирилган бўлиши зарур.

Қурилиш майдонида бажариладиган ишлар хавфсизлигига амал қилишда зарур бўлган тадбир-чоралар лойиҳалаш даврида икки босқичда ҳал этилади: биринчи босқич лойиҳалаш даврида қурилишни ташкил қилиш (ҚТҚ) лойиҳасини тузиш, яъни қурилишдаги ялпи ишлар кетма - кетлигини ва умимий хавфсизликни таъминловчи

тадбирлардан иборат бўлса, иккинчи босқич қурилиш чоғида сурункали давом этадиган ишларни бажариш жараёнида хавфсизликни таъминлай оладиган ишни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) ни тузишдан иборатдир. Ушбу лойиҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникасига талабларига амал қилиш масалалари таркибан ва мазмунан мукамал ечимга эга бўлиши ва қўлланма асосида тузилиб қурувчиларга юқорида кўрсатилган муддат ичида тақдим этилиши зарур. Чунки қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ 3.01.02-00 “Қурилишда хавфсизлик техникаси”) кўрсатмаларига биноан ҳар қандай қурилиш ва таъмирлаш ишларини бундай лойиҳаларсиз олиб бориш қатъиян ман этилади.

Одатда қурилмаларни йиғиш жараёни икки босқичда бажарилади, яъни тайёрлов ва асосий йиғув босқичидир.

Биринчи босқичга кўтарувчи механизмларни ўрнатиш, қурилмалар билан таъминлаш, уларни ерда йириклаштириш, ёрдамчи мосламаларни ўрнатиш, кўтарма халқаларни мустаҳкамлигини текшириб кўриш, ёпишиб қолган тупроқ ва лойлардан тозалаш, ҳамда қурувчи ишчилар учун зарур ҳавозаларни ўрнатиш ва бошқалар киради.

Иккинчи босқичга эса қурилмани илгакларга илиш, уни кўтариб лойиҳадаги жойга узатиш ва таянч нуқталарига дастлаб омонат ўрнатиш, паст-баландлигини ва ўқларга мос тушишини таъминлаш, ҳамда қурилмани якуний пайвандлаш ёки болтларда сиқиб мустаҳкам қотириш каби ишлар киради.

Ушбу бўлимда юқорида келтирилган иккита босқичда амал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникаси талабларини таҳлил қилинди ва Наманган шаҳрида қурилиши кўзда тутилган «Савдо, маиший сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчасини» қуриш ва монтаж жараёнида бажариладиган ишларда уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қурилиш ташкилотларида 1981-99 йилларда содир бўлган бахтсиз ходисаларининг таҳлилидан маълум бўлишича Тошкент шаҳрида яхлит темир - бетон қурилмаларидан иншоотларни бунёд этишда содир бўлган жароҳатланиш қурилишдаги жаъми бахтсизликларни 26 % ини ва қисман оғир хилларини ташкил этган. Чунки бу шикастланишларнинг замирида асосан ишчиларнинг баланддан кулаб тушиши, улар устига қурилмаларнинг ёки бўлақларининг ағанаб кетиши натижасида оғир тан жароҳати олиш ходисалари ётади.

Қурилиш жараёнида бахтсизликлар қуйидаги камчиликлар эвазига содир бўлади:

1. Меъморий-қурилиш лойиҳаларда йўл қўйилган камчиликлар;
2. Қурилмаларда мавжуд камчиликлар;
3. Ишни ташкил қилиш лойиҳаларида мавжуд камчиликлар;
4. Қурилиш технологиясида йўл қўйилган камчиликлар;
5. Ўрнатилган қурилмалардан фойдаланишдаги камчиликлар;
6. Механизм ва ускуналардан фойдаланишдаги камчиликлар ва х.о.;

Бу камчиликлар якка ҳолда келиши ёки бир нечтаси биргаликда учраши мумкин. Бу камчиликлар оқибатида қурилишда содир бўладиган жароҳатланиш сабабларини 4 та таркибий гуруҳга, яъни техникавий, ташкилий, санитария гигиеник ва психофизиологик сабабларга бўлиб таҳлил қилинади.

Техникавий сабаблар гуруҳига лойиҳадаги хато - камчиликлар, қурилиш технологиясиги ноқулайликлар ҳамда услуб танлашда йўл қўйилган хатолар сабаб бўлиши мумкин.

Ташкилий сабаблар гуруҳига эса меҳнат шароитларини ва иш қуролларини хавфсизлик талабига жавоб бераолмаслиги, иш жараёнлари кетма-кетлик тартибига риоя қилмаслик, ҳимоя воситалари ва ёрдамчи мосламаларни йўқлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш, ишни илмий асосда ташкил этиш қоидаларига эътиборсизлик ва шу кабилар сабаб бўла олади.

Рухий-психофизиологик сабаблар гуруҳига ишчи ва муҳандис раҳбарларнинг мафкуравий ва ахлоқий қоидаларга риоя қилмасликлари, одамларни баландликда ўзини ноқулай хис этиши, асабини бузилиши ва дам олиш вақтидан нотўғри фойдаланиш шунга ўхшаш нуқсонлар киради.

Санитария ва гигиеник сабабларига эса ишчиларни ўз вақтида жисмоний кўрикдан ўтмаслиги, меҳнат шароитини СанҚМ талабларига мос равишда ташкил қилмаганлик, танаффус қилмасдан ишлашлик, атроф муҳитни гигиеник ҳолатига масъулиятсизлик ва ҳоказолар мисол бўлади.

Йиғма темирбетон қурилмаларини ўрнатиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш, уларни кўтариш ва вақтинча қотириш мосламаларини тўғри танлаш ва тўғри ишлатишга боғлиқ. Қурилмаларни кўтариш учун кўрсатилган сим арқонлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мосламалар вазифаси бўйича: ушлаб турувчиларга-тиргович, тортиб ёки итариб турувчи; чегараловчиларга-таянч ва қотириб турувчи; боғловчи ва кондукторларга; шакли бўйича: чизиқли, сатҳли ва ҳажмли кўринишда бўлади. Бу мосламалар кўтарилаётган юкни ўлчамли ва вазнига мос равишда тўғри танланса, қурилиш жараёнини тез ва хавф - хатарсиз бажариш мумкин. Уларнинг вазифаси ҳам ана шундан иборат.

Монтаж жараёнида одатда сим арқонлар ва траверслардан фойдаланилади. Траверслар катта ва узун ўлчамли қурилмаларни бирданига уч ва ундан ортиқ нуқталардан илиб кўтариш учун қўлланилади. Улар икки хил бўлади, яъни эгилишга ва сиқилишга ишлайдиган бўлади.

Био ва иншоотларни катта ўлчамли қурилиш конструкцияларидан йиғиш жараёнида уларни устуворлигини таъминлаш қурилишда бахтсиз ходисаларни олдини олишда энг асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ИБЛ лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида қурилмаларни йиғишда уларни мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Хавфсизлик талабларидан келиб чиққан ҳолда монтаж жараёнида қурилмаларни икки ҳолатини инобатга олиш зарур, яъни уларни кўтариш вақтида эгилишдан ва лойиҳадаги жойига ўрнатилгандан сўнг боғловчи элементларни ўрнатилишига қадар кулаб тушишидан олдини олиш жуда муҳим. Қурилмаларни таянч нуқталаридан кўтаргандагина хавфсизлик тўла таъминланган ҳисобланади. Аммо тажрибада баъзан иш шароити бўйича қурилмаларни кўтариш уларни таянч нуқталаридан эмас, балки устки қисмида жойлашган қарама - қарши нуқталаридан кўтаришга тўғри келади. Бу

қурилмаларнинг элементларида содир бўладиган ички зўриқишлари лойиҳадаги ҳолатига нисбатан фарқли бўлади. Масалан эгилишга ишлайдиган тўсин икки чети билан таянч нуктада туришга мослаштирилган, агар уни ўрта қисмидан боғлаб кўтарилса икки учи осилиб устки қисми чўзилишга, ости эса сиқилишга ишлайди, яъни лойиҳавий ҳолатга зид шароит юзага келади ва натижада қурилмани мустаҳкамлигига шикаст етади.

Ферма ёки тусинни устки камарини ўрта қисмидан симарқон ёрдамида кўтарилса унинг юқори қисмидаги сиқилишга ишлаши керак бўлган элементлари чўзилишга ишлай бошлайди ва у бундай кучли зўриқишга мосланмаганлиги сабабли шикастланиши мумкин. Шунинг учун қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш жараёнида, шундай тартиботни танлаш лозимки, ҳарқандай муҳитда ҳам қурилмаларни шакли ва мустаҳкамлиги ўзгармас бўлиб қолиши таъминлансин. Бунинг учун ҳарбир қурилмада махсус ўрнатилган монтаж халқалари ёрдамида кўтариш жараёнида содир бўладиган зўриқишлар таъсирига бардош бераолишлиги текшириб кўрилиши шарт.

Қурилмани кўтариш траверса ва фрикцион қисқичлар ёрдамида амалга оширилади.

Қурувчиларни баландликка беҳатар кўтарилишини таъминлаш иш жойининг ердан баландлигига ва ўрнатиладиган қурилманинг ўлчамига боғлиқ. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги меъёрининг талабига биноан баландлиги ёки чуқурлиги 25 м дан кам бўлган баландликда жойлашган иш жойларига чиқиш учун одатда 750 бурчак остида тиркама шотилар ва осма нарвонлар кенг қўлланилади.

Агар бундай нарвонлар 7 м ва ундан баландда бўлган ферма ёки тусинларни монтаж қилишда калталиқ қилса, тиркама нарвонларни бир – бирига улаб юқори қисмида ишчи майдончаси билан устунга ўрнатилади.

Қурилмаларни монтаж қилишда яна бир асосий омил бу монтажчилар баландда туриб хавфсиз ишлаши учун иш жойини талаб даражасида тўғри ташкил қилишдир. Бунинг учун ҳар бир монтаж жараёни иш жойининг тавсифига қараб зарур бўлган ҳавозалар, нарвонлар, кўприкчалар ва шахсий ҳамда жамонавий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган, ишни ташкил қилиш лойиҳасида акс эттирилган бўлиши шарт. Монтаж ишлари бажариладиган жойларда ишчиларни хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилган бўлиши лозим. Бундай шароитни яратиш учун ишчиларни иш турига ва уни бажарилиш ҳолатига қараб шахсий ёки жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилади. Монтажчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларига тутқичлар, камар, каскалар ва махсус кийимлар киради.

Монтаж ишларини бажаришга 18 ёшга тилган, шу касб бййича ы=иб, тегишли гувоҳнома олган, тиббий кырикдан ытган ва хавфсизлик техникаси бййича ы=итилиб, билимлари синовдан ытказилган ишчиларгагина рухсат берилади.

Иш бошлашдан олдин монтажчи ишларни хавфсиз бажариш учун ишлаб чи=ариш ишлари лойищаси билан батафсил танишиб, уста ёки прорабдан керакли топшири= ва хавфсизлик техникаси бййича =ышимча йыри=нома олиб, щимоя

каскаси ва монтаж камарини таъиб махсус кийим-бошларини тартибга келтиради. Монтаж камарининг синовдан ўтказилган муддатига (улар ҳар 6 ойда синовдан ўтказилиши зарур) алоҳида эътибор берилади. Монтаж =урилмалари, юк қатарувчи мосламалар ва асбобларнинг созлиги текшириб қйрилади ҳамда ишга тайёрланади.

Щавфли зоналар, суппалар нарвонлар ва монтаж майдончаларидаги тйси= ва панжараларнинг мустақкамлиги текшириб қйрилади. Кранларнинг созлиги ва ишончли ўрнатилганлиги (автомобиль кранлари барча таянчларга ўрнатилиши лозим), =урилиш материаллари ва конструкцияларининг о'ирлиги краннинг юк қтариш =увватига мос келиши ҳамда назорат юк билан краннинг орти=ча юк қтарганда автоматик тарзда ташлаб юборувчи асбобининг созлиги алоҳида текшириб олинади.

Конструкция ва буюмларни кран ёрдамида ю=ориға олиб бераётганда, уларни ўрнатаётганда ёки монтаж =илаётганда ишловчилар учун хавф ту\дирадиган ҳудудларнинг қызға яхши ташланадиган жойига оғохлантирувчи белгилар осиб =ыйилади. Бу хавфли ҳудудлар (қатарилган юк тушиши мумкин бўлган жой) нинг чегараси юк 20 метргача қтарилганда - 7 м, 100 метргача қтарилганда эса 15 метр =илиб белгиланади.

+урилиш майдончасида кран ҳайдовчиси билан монтажчилар ўртасида шартли сигнал берувчи =оида ва тартиб ўрнатилган бўлиши керак. Бирор хавфни сезган ишчиларнинг ҳаммаси ҳам «Тўхта» деган сигнални бериши мумкин. +олган пайтларда эса бош=а оғохлантиришларни фа=ат иш юритувчиларгина беради.

Монтажчи иш бажариш жараёнида =урилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни кранга илиб беради (бунинг учун унда албатта строполчи гувоҳномаси бўлиши шарт). Конструкцияларни кранга илиб беришда корхоналарда тайёрланган тросслар ёки махсус юк илувчи мосламалардан фойдаланилади. Юкларни илиб бераётганда уларни сурилиб ёки тушиб кетмаслик чораларини қйриш лозим. Щавоза ва супалар ҳамда монтаж =илинган конструкцияларни шикастланмаслиги учун уларнинг я=инида юк қтараётган кран бир ва=тининг ўзида ҳам стреласини буришга, ҳам юк қтаришга йил =ыйилмайди. Қтарилаётган юк билан монтаж =илинган конструкциялар орали\ида масофа 1 метр, баландлиги эса 0,5 метрдан кам бўлмаслиги керак. Монтаж =илинаётган жойга олиб келинган конструкция 30 см баландликда тўхтатади, сингра монтажчилар уни лойиҳада қйрсатилган ну=та (отметка) га ўрнатадилар. Ўрнатилган конструкциялар маҳкам =илиб =отирилмагунча, уларни крандан бўшатишга йил =ыйилмайди. Монтаж =илинган конструкцияларни ўшлаб турувчи мосламалар, =отиргичлар ишончли таянчларга мақкамланади. Мосламалар ва =отиргичларнинг сони ва ўрнатилган жойи ишлаб чи=ариш ишлари лойиҳасида қйрсатилган бўлади.

Монтажчилар ю=орида, тйси=лар билан муҳофазаланмаган жойларда ишлаётган монтаж камаридан фойдаланишлари шарт. Муҳофаза тйси=лари бўлмаган темирбетон бўлаклари, ригеллар, фермалар ва бош=а конструкциялар устидан юриб ўтишга тўри келган ҳолларда, монтажчига баландлиги 1,2 метр бўлган, конструкциялар бўйлаб тортилган пылат ар=онларига монтаж камарини бир учини

бириктиргандан сынггина ытишга рухсат берилади. +аватларда аввало биринчи =ыйилган конструкцияларни яхшилаб =отириб, пайванд =илингандан кейингина навбатдаги конструкцияларни монтаж =илишга киришилади. Монтаж ишларини бажаришда конструкцияларни лойищада кырсатилган жойга ырнатиб, пайванд =илмагунча уларнинг илмо\ини букиш, конструкция ва элементлар кытарилаётганда уларни устида былиш, конструкцияларни кранда кытарилган ҳолатда =олдириб кетиш, уларни дуч келган жойларга ва ва=тинчалик =ыйилган буюмларга суяб =ыйиш шамда бино =аватларида тахлаш, ностандарт нарвонлар билан ишлаш, шунингдек, щимояланмаган кыз билан электропайванд нурига =араш таъ=и=ланади.

Монтажчи ишни тугаллагандан сынг иш ва ытиш жойларини тартибга келтириши, кераксиз буюм ва ахлатлардан тозалаб, асбоб ва монтаж =урилмаларини йи\штириши, уларни махсус са=ланадиган хонага топшириши лози Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган ва амалга татбиқ этилаётган қурилиш соҳасидаги кўплаб қарорларда қурилиш индустриясини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қурилиш ишларини ривожланиши бевосита қурилиш майдончасида меҳнат муҳофазасини таъминлаш, қурилиш ишларини хавфсиз ташкил этишгага қаратилган алоҳида ишларни амалга оширишни талаб этади.

Қурилиш майдонида иш бошлашдан 3 ой олдин буюртмачи томонидан бош пудрат ташкилотига барча қурилиш лойиҳалари тўлиқ ишланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бу лойиҳалар таркибида уларнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари бўлмоғи шарт ва уларда хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ҳолда тўлиқ акс эттирилган бўлиши зарур.

Қурилиш майдонида бажариладиган ишлар хавфсизлигига амал қилишда зарур бўлган тадбир-чоралар лойиҳалаш даврида икки босқичда ҳал этилади: биринчи босқич лойиҳалаш даврида қурилишни ташкил қилиш (ҚТҚ) лойиҳасини тузиш, яъни қурилишдаги ялпи ишлар кетма - кетлигини ва умимий хавфсизликни таъминловчи тадбирлардан иборат бўлса, иккинчи босқич қурилиш чоғида сурункали давом этадиган ишларни бажариш жараёнида хавфсизликни таъминлай оладиган ишни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) ни тузишдан иборатдир. Ушбу лойиҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникасига талабларига амал қилиш масалалари таркибан ва мазмунан мукамал ечимга эга бўлиши ва қўлланма асосида тузилиб қурувчиларга юқорида кўрсатилган муддат ичида тақдим этилиши зарур. Чунки қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ 3.01.02-00 “Қурилишда хавфсизлик техникаси”) кўрсатмаларига биноан ҳар қандай қурилиш ва таъмирлаш ишларини бундай лойиҳаларсиз олиб бориш қатъиян ман этилади.

Одатда қурилмаларни йиғиш жараёни икки босқичда бажарилади, яъни тайёрлов ва асосий йиғув босқичидир.

Биринчи босқичга кўтарувчи механизмларни ўрнатиш, қурилмалар билан таъминлаш, уларни ерда йириклаштириш, ёрдамчи мосламаларни ўрнатиш, кўтарма халқаларни

мустаҳкамлигини текшириб кўриш, ёпишиб қолган тупроқ ва лойлардан тозалаш, ҳамда қурувчи ишчилар учун зарур ҳавозаларни ўрнатиш ва бошқалар киради.

Иккинчи босқичга эса қурилмани илгакларга илиш, уни кўтариб лойиҳадаги жойга узатиш ва таянч нуқталарига дастлаб омонат ўрнатиш, паст-баландлигини ва ўқларга мос тушишини таъминлаш, ҳамда қурилмани якуний пайвандлаш ёки болтларда сиқиб мустаҳкам қотириш каби ишлар киради.

Ушбу бўлимда юқорида келтирилган иккита босқичда амал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникаси талабларини таҳлил қилинди ва Наманган шаҳрида қурилиши кўзда тутилган «Савдо, маиший сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчасини» қуриш ва монтаж жараёнида бажариладиган ишларда уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қурилиш ташкилотларида 1981-99 йилларда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларининг таҳлилидан маълум бўлишича Тошкент шаҳрида яхлит темир - бетон қурилмаларидан иншоотларни бунёд этишда содир бўлган жароҳатланиш қурилишдаги жаъми бахтсизликларни 26 % ини ва қисман оғир хилларини ташкил этган. Чунки бу шикастланишларнинг замирида асосан ишчиларнинг баланддан қулаб тушиши, улар устига қурилмаларнинг ёки бўлақларининг ағанаб кетиши натижасида оғир тан жароҳати олиш ҳодисалари ётади.

Қурилиш жараёнида бахтсизликлар қуйидаги камчиликлар эвазига содир бўлади:

1. Меъморий-қурилиш лойиҳаларда йўл қўйилган камчиликлар;
2. Қурилмаларда мавжуд камчиликлар;
3. Ишни ташкил қилиш лойиҳаларида мавжуд камчиликлар;
4. Қурилиш технологиясида йўл қўйилган камчиликлар;
5. Ўрнатилган қурилмалардан фойдаланишдаги камчиликлар;
6. Механизм ва ускуналардан фойдаланишдаги камчиликлар ва х.о.;

Бу камчиликлар якка ҳолда келиши ёки бир нечтаси биргаликда учраши мумкин. Бу камчиликлар оқибатида қурилишда содир бўладиган жароҳатланиш сабабларини 4 та таркибий гуруҳга, яъни техникавий, ташкилий, санитария гигиеник ва психофизиологик сабабларга бўлиб таҳлил қилинади.

Техникавий сабаблар гуруҳига лойиҳадаги хато - камчиликлар, қурилиш технологиясиги ноқулайликлар ҳамда услуб танлашда йўл қўйилган хатолар сабаб бўлиши мумкин.

Ташкилий сабаблар гуруҳига эса меҳнат шароитларини ва иш қуролларини хавфсизлик талабига жавоб бераолмаслиги, иш жараёнлари кетма-кетлик тартибига риоя қилмаслик, ҳимоя воситалари ва ёрдамчи мосламаларни йўқлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш, ишни илмий асосда ташкил этиш қоидаларига эътиборсизлик ва шу кабилар сабаб бўла олади.

Рухий-психофизиологик сабаблар гуруҳига ишчи ва муҳандис раҳбарларнинг мафкуравий ва ахлоқий қоидаларга риоя қилмасликлари, одамларни баландликда ўзини ноқулай хис этиши, асабини бузилиши ва дам олиш вақтидан нотўғри фойдаланиш шунга ўхшаш нуқсонлар киради.

Санитария ва гигиеник сабабларига эса ишчиларни ўз вақтида жисмоний кўриқдан ўтмаслиги, меҳнат шароитини СанҚМ талабларига мос равишда ташкил қилмаганлик, танаффус қилмасдан ишлашлик, атроф муҳитни гигиеник ҳолатига масъулиятсизлик ва ҳоказолар мисол бўлади.

Йиғма темирбетон қурилмаларини ўрнатиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш, уларни кўтариш ва вақтинча қотириш мосламаларини тўғри танлаш ва тўғри ишлатишга боғлиқ. Қурилмаларни кўтариш учун кўрсатилган сим арқонлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мосламалар вазифаси бўйича: ушлаб турувчиларга-тиргович, тортиб ёки итариб турувчи; чегараловчиларга-таянч ва қотириб турувчи; боғловчи ва кондукторларга; шакли бўйича: чизиқли, сатҳли ва ҳажмли кўринишда бўлади. Бу мосламалар кўтарилаётган юкни ўлчами ва вазнига мос равишда тўғри танланса, қурилиш жараёнини тез ва хавф - хатарсиз бажариш мумкин. Уларнинг вазифаси ҳам ана шундан иборат.

Монтаж жараёнида одатда сим арқонлар ва траверслардан фойдаланилади. Траверслар катта ва узун ўлчамли қурилмаларни бирданига уч ва ундан ортиқ нуқталардан илиб кўтариш учун қўлланилади. Улар икки хил бўлади, яъни эгилишга ва сиқилишга ишлайдиган бўлади.

Бино ва иншоотларни катта ўлчамли қурилиш конструкцияларидан йиғиш жараёнида уларни устуворлигини таъминлаш қурилишда бахтсиз ходисаларни олдини олишда энг асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ИБЛ лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида қурилмаларни йиғишда уларни мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Хавфсизлик талабларидан келиб чиққан ҳолда монтаж жараёнида қурилмаларни икки ҳолатини инобатга олиш зарур, яъни уларни кўтариш вақтида эгилишдан ва лойиҳадаги жойига ўрнатилгандан сўнг боғловчи элементларни ўрнатилишига қадар кулаб тушишидан олдини олиш жуда муҳим. Қурилмаларни таянч нуқталаридан кўтаргандагина хавфсизлик тўла таъминланган ҳисобланади. Аммо тажрибада баъзан иш шароити бўйича қурилмаларни кўтариш уларни таянч нуқталаридан эмас, балки устки қисмида жойлашган қарама - қарши нуқталаридан кўтаришга тўғри келади. Бу қурилмаларнинг элементларида содир бўладиган ички зўриқишлари лойиҳадаги ҳолатига нисбатан фарқли бўлади. Масалан эгилишга ишлайдиган тўсин икки чети билан таянч нуқтада туришга мослаштирилган, агар уни ўрта қисмидан боғлаб кўтарилса икки учи осилиб устки қисми чўзилишга, ости эса сиқилишга ишлайди, яъни лойиҳавий ҳолатга зид шароит юзага келади ва натижада қурилмани мустаҳкамлигига шикаст етади.

Ферма ёки тусинни устки камарини ўрта қисмидан симарқон ёрдамида кўтарилса унинг юқори қисмидаги сиқилишга ишлаши керак бўлган элементлари чўзилишга ишлай бошлайди ва у бундай кучли зўриқишига мосланмаганлиги сабабли шикастланиши мумкин. Шунинг учун қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш жараёнида, шундай тартиботни танлаш лозимки, ҳарқандай муҳитда ҳам қурилмаларни шакли ва мустаҳкамлиги ўзгармас бўлиб қолиши таъминлансин. Бунинг

учун ҳарбир қурилмада махсус ўрнатилган монтаж халқалари ёрдамида кўтариш жараёнида содир бўладиган зўриқишлар таъсирига бардош бераолишлиги текшириб кўрилиши шарт.

Қурилмани кўтариш траверса ва фрикцион қисқичлар ёрдамида амалга оширилади.

Қурувчиларни баландликка беҳатар кўтарилишини таъминлаш иш жойининг ердан баландлигига ва ўрнатиладиган қурилманинг ўлчамига боғлиқ. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги меъёрининг талабига биноан баландлиги ёки чуқурлиги 25 м дан кам бўлган баландликда жойлашган иш жойларига чиқиш учун одатда 750 бурчак остида тиркама шотилар ва осма нарвонлар кенг қўлланилади.

Агар бундай нарвонлар 7 м ва ундан баландда бўлган ферма ёки тусинларни монтаж қилишда калталик қилса, тиркама нарвонларни бир – бирига улаб юқори қисмида ишчи майдончаси билан устунга ўрнатилади.

Қурилмаларни монтаж қилишда яна бир асосий омил бу монтажчилар баландда туриб хавфсиз ишлаши учун иш жойини талаб даражасида тўғри ташкил қилишдир. Бунинг учун ҳар бир монтаж жараёни иш жойининг тавсифига қараб зарур бўлган ҳавозалар, нарвонлар, кўприкчалар ва шахсий ҳамда жамонавий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган, ишни ташкил қилиш лойиҳасида акс эттирилган бўлиши шарт. Монтаж ишлари бажариладиган жойларда ишчиларни хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилган бўлиши лозим. Бундай шароитни яратиш учун ишчиларни иш турига ва уни бажарилиш ҳолатига қараб шахсий ёки жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилади. Монтажчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларига тутқичлар, камар, каскалар ва махсус кийимлар киради.

Маълумотларга қараганда, инсон соғлигининг 67-74 фоизи ташқи муҳит, овқатланиш ва яшаш шароитига, 16-18 фоизи генетик ва наслий омилларга ва фақатгина 10-15 фоизигина соғлиқни сақлаш хизматига боғлиқ экан.

Ўтган ўттиз йил ичида инсоният ердаги мавжуд ресурсларнинг учдан бирини сарфлаб бўлди. Йилдан-йилга ресурслар истеъмоли бир ярим фоизга ошиб бормоқда. Шунинг учун табиий ресурсларни тежаш, муқобил ресурсларни излаб топиш, хом ашёни иккиламчи қайта ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳондаги чиқиндихоналарда 80 млрд. тоннадан зиёд ахлат тўпланиб қолмоқда. Уларнинг атиги учдан бир қисми қайта ишланмоқда, холос. Шаҳарларни санитар тозалаш тизими қуйидагилардан иборат. Яъни, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўплаш, йиғиш, ташиб кетиш, саралаш, термик қайта ишлашга юбориш, иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш, полигонларга ташиб кетиш, электр энергияси олишда ёқилғи сифатида фойдаланиш, қайта ишлаш ва кўмиш.

Чиқиндилар – бир томондан атроф-муҳитга ва инсонга салбий таъсир кўрсатиш манбаси бўлса, иккинчи томондан – иккиламчи минерал ва энергетик ресурслар манбаси ҳам ҳисобланади.

Чиқиндиларни бошқариш ва уларни утилизация қилиш масаласида илғор хорижий давлатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, айрим давлатларда (Германия, Исроил, Буюк Британия) чиқиндиларни тўплаш жойларида турли хил рангдаги контейнерлар

ўрнатилган. Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияда қўлланаётган чиқиндиларни ҳосил бўлиш жойидаёқ турларга ажратиб саралаш тизими жорий этилган.

Германияда эса чиқиндиларни саралашда қуйидаги талаблар белгиланган:

- кўк рангли идиш – қоғоз учун: (газета, журнал, қоғоз, картон ва бошқалар);
- жигарранг идиш – жигарранг шиша учун;
- яшил рангли идиш – яшил рангли шиша учун;
- оқ рангли идиш – оқ рангли шиша учун;
- сариқ контейнер ва сариқ қопча – консерва ва ичимликлар банкалари, алюминий қопқоқлар ва фольга, қадоқланган соклар ва сут пакетлари, пластмасса ва полиэтилен пакетлар ҳамда бошқалар учун;
- қора контейнер – озиқ-овқат, мева ва сабзавот чиқиндилари, бошқа маиший ахлатлар учун;
- кўнғир рангли контейнер – қолдиқ чиқиндилар, яъни бошқа контейнерларга тушмаган катта ҳажмдаги чиқиндилар, металллар, ёғоч ва текстиль маҳсулотлари, батареялар, лак, бўёқ, кислота, медикаментлар, кемирувчиларга қарши воситалар ва бошқалар учун мўлжалланган.

Европа Иттифоқи давлатларининг юқоридаги талаблар асосида амалга оширган чоратадбирлар натижасида чиқиндиларни бошқариш тизими тубдан янгиланишига эришилди. Хусусан, Швеция мамлакатада чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ерда ҳукумат ахлат ва чиқиндилардан иккиламчи хом ашё олиш учун янги технологияларни ишлаб чиқишга зарур вақт ва маблағ ажратиб келмоқда. Шу боис, ушбу ҳудудларда ахлатнинг қайта ишланиш даражаси 80 фоиздан ошди.

Европа Иттифоқида чиқиндиларни бошқаришда №1993/13/ЕС Директивасига риоя қилган ҳолда қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилган: биринчидан, чиқиндилар ҳосил бўлишини бартараф қилиш; иккинчидан, улардан имкони борича иккиламчи фойдаланиш, учинчидан, агарда қайта ишлатиш мумкин бўлмаса, уларни рециклинг қилиш (қайта ишлашга йўналтириш), тўртинчидан, чиқиндиларни энергия ҳосил қилишда ишлатиш, бешинчидан, кўрсатилган чораларнинг иложи бўлмаса, у ҳолда уларни кўмиб юборишдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатларда қаттиқ маиший чиқиндиларга бўлган муносабат шуни кўрсатмоқдаки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, маиший чиқиндилар ҳажмининг ўсиши ўзининг аянчли аломатларини кўрсатди. Дунёнинг деярли барча мамлакатада қаттиқ маиший чиқиндилар аҳоли жон бошига ҳар 10 йилда 10 фоизга ошмоқда. Ҳозирда маиший чиқиндиларнинг ҳар йилги массаси 400 млн. тоннани ташкил қилса, шулардан 80 фоизи оддий чиқинди-полигонларида кўмиш йўли билан зарарсизлантирилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамкорона ва оқилона фойдаланиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарини кенг жорий этиш каби масалалар энг муҳим ва ўз ечимини кутаётган умумдавлат вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида тизимли экологик сиёсатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилиш, замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш туфайли атмосфера ҳавосига ажралаётган зарарли моддаларнинг миқдори 2,1 мартага, оқава сувларни исроф қилиш даражаси эса 2 мартага камайишига эришилди. Мамлакатимизда минг йиллик ривожланиш декларацияси мақсадларига эришиш, "Хавфли чиқиндиларни тарансчегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисида"ги Базель Конвенцияси талаблари асосида чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ушбу масалаларни қонуний жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. "Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш" ҳамда Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсати ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси" ҳаётга жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда чиқиндиларни бошқариш, уларни қайта ишлаш муаммоларини ҳал этиш учун давлат бюджети ҳисобидан ҳар йили тегишли маблағлар ажратилмоқда. Ҳозирги кунда чиқиндиларни бошқариш масаласи дунё бўйича, қолаверса, Ўзбекистонда ҳам ўз долзарблигини сақлаб турибди. Шунингдек, жамиятимиз ривожланиши билан боғлиқ бўлган, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этаётган бир қанча экологик муаммоларнинг мавжудлиги барчамизни ташвишга солиши табиий. Жумладан, чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантириш билан бир қаторда, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларига хавф туғдирмоқда. Натижада, чиқиндихоналар ва чиқинди полигонларида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқиндилар сақланаётганлиги ҳамда бу чиқиндилар бугунги кунда 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, уларнинг салбий таъсири қанчалик хавфли эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Бундай шароитда мазкур масалаларни ҳал этиш биринчи навбатда чиқиндиларни тўплаш, турларга ажратиш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва ундан иккиламчи ресурс сифатида фойдаланиш бўйича узлуксиз инфратузилмани ривожлантириш ва бу соҳадаги ҳукуқий базани такомиллаштириш вазифасини талаб этмоқда.

Шу боис, жамият тараққиёти ва инсон манфаатларига мос келадиган чиқиндиларга оид экологик сиёсат юритишнинг ҳукуқий асосини, яъни соҳага оид қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳолда мукаммал қонун лойиҳасини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ҳам шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудларининг экологик ҳамда санитария ҳолатини сақлаш, доимий равишда чиқиндилардан тозалаш ва фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир. Ютуқлар баробарида, айрим камчилик ва муаммолар ҳам тез-тез учрамоқда. Бунга, чиқиндиларни ташийдиган махсус

автомобилларнинг етишмаслиги, автотранспорт воситалари паркларининг эскирганлиги, корхоналар ва аҳоли томонидан мўлжалланмаган ҳудудларга ноқонуний олиб чиқиш ва йиғиш ҳолатлари, айрим аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда вақтинчалик чиқинди тўплаш жойларининг экология ва санитария талабларига жавоб бермаслиги, махсус автотранспорт корхоналари томонидан ўз вақтида ташиб кетилмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлмоқда.

Чиқиндисиз технологияда нафақат ишлаб чиқариш, балки истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндиларни тиклаш керак бўлади, яъни хом ашё ресурслари – ишлаб чиқариш – истеъмол қилиш – иккиламчи хом ашё ресурслари циклини яратишни тақозо этади. Бунда дастлабки хом ашё бир неча маротаба қайта қўлланилади.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар ва ахлатларни зарарсизлантириш энг катта экологик муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирда улар фақат кўмиб ташлаш йўли билан зарарсизлантирилмоқда. Бу усул ниҳоятда эски ва кенг тарқалган бўлиб, дунё мамлакатлари айнан мана шу усулдан фойдаланиб келмоқда. Масалан, Буюк Британияда 90 фоиз, АҚШ да 84 фоиз, Японияда эса 57 фоиз ахлатлар ахлатхоналарда самарасиз чириб ётади. Умуман олганда, жаҳонда чиқиндиларнинг ўртача 74 фоизи ахлатхоналарда чирийди.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар ва ахлатларни зарарсизлантиришнинг иккинчи усули – бу уларни куйдириш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Францияда 35 фоиз ва Японияда 40 фоиз ахлатлар куйдирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахлатларни куйдириш усулининг иккита афзаллиги мавжуд: биринчидан, куйдирилганда ахлатларнинг ҳажми 2-10 маротабагача кичиклашади; иккинчидан, ахлатларни куйдириш пайтида ажралиб чиққан иссиқликдан фойдаланиш мумкин. Аммо бу усулнинг камчилиги шундан иборатки, куйдиришдан кейин пайдо бўлган кукун таркибида заҳарли моддалар ҳам бўлади. Хусусан синтетик материалларни куйдириш пайтида кучли мутагенлар ва канцерогенлар ҳисобланган диоксинлар ва кучли заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 6-10 г диоксин инсон соғлиғи ва ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Юқорида баён этилган ҳар иккала усул XX асрнинг 80-йилларида АҚШда синаб кўрилди. Маълум бўлишича, ахлат ёндирувчи заводни куриш учун алоҳида майдонни топиш ахлатхона майдонини топишдек осон иш эмас экан. Бундан ташқари, ахлатларни ёндириш таннарихи уларни кўмишга сарфланадиган харажатлардан кам эмас экан.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда чиқиндилар ва ахлатлар билан шуғулланиш улар иқтисодиётининг янги тармоғига айланиб қолди. Биринчидан, чиқиндиларни қайта қўллаш натижасида хом ашё тежалади, иккинчидан, катта иқтисодий фойда кўриш мумкин. Шунинг учун улардан қайта фойдаланиш бозори ниҳоятда кенгайиб, ҳатто хусусий трансмиллий компанияларни ўзига жалб этмоқда. Бу компаниялар йирик аҳоли пунктларидан узоққа жойлашган бўш ва арзон жойларга йирик заводларни куриб, чиқиндиларга ишлов бериб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариб, катта иқтисодий

даромадга эга бўлмоқда. Фақатгина Германияда чиқиндилар ҳисобидан йилига 40 миллиард доллар даромад олинади.

Чиқиндиларни бошқариш бўйича илғор хориж тажрибаларини ўрганиб, чиқиндиларни турларга саралаган ҳолда вақтинчалик тўплаш, йиғиш, ташиб кетиш қайта ишлаш (утилизация қилиш) ва зарарсизлантириш ишлари, шунингдек, вақтинчалик тўплаш жойларини экологик ва санитария ҳолатларини яхшилаш бўйича жойларда эътиборни янада кучайтириш лозим бўлади. Чиқиндилардан иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланишга эътибор қаратиш, айтиш мумкинки, бугунги кунда уларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига, ҳудудларнинг санитария ҳолатларига бўладиган салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда чиқиндиларни саралаш, йиғиш ва ташиб кетиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳрида 2012 йил 1 августдан бошланган амалий ишларни бошқа ҳудудларда ҳам давом эттириш, албатта, мақсадга мувофиқ бўлади.

V. Чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишининг экологик нормативлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартиби

30. Чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш ушбу Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

сифат ва миқдорий тавсифлари тўғрисида маълумотлар олган ҳолда чиқиндиларнинг пайдо бўлиш манбаларини текшириш натижалари, бунда пайдо бўладиган чиқиндилар миқдорини аниқлаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

амалдаги технологик жараёнларга яқин бўлган шароитларда чиқиндининг чиқиш миқдорини аниқлашдан иборат бўлган таҳлилий метод;

чиқиндилар пайдо бўлиши шароитларини очиқ берувчи статистика усуллари ва методлари йиғиндисидан иборат бўлган статистика методи;

асосий, ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларнинг баланс ва технологик схемалари; хом ашё (материаллар, ёқилғи) таркиби, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тури ва ҳажмлари, технологик ускунанинг ишлаш режими тўғрисидаги маълумотлар (расмий маълумотнома тарзида тақдим этилади);

координатлар тизимидаги режа-схема, унга чиқиндиларнинг пайдо бўлиш манбалари ва уларнинг жойлаштириш (вақтинчалик тўплаш) жойлари;

чиқиндиларнинг ҳар бир тури учун паспорт, унда ушбу Низомнинг 14-иловасига мувофиқ уларнинг пайдо бўлиш жараёни, физик-механик, физик-кимёвий, санитария-гигиена ва истеъмол хоссалари, пайдо бўлиш нормативи кўрсатилади.

31. Чиқиндиларнинг атроф-муҳит учун хавфлилик классификацияси ушбу Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шакл бўйича чиқиндиларнинг классификация каталоги асосида аниқланади.

32. Ишлаб чиқаришда ва истеъмол қилишда пайдо бўладиган барча чиқиндилар бўйича олинган маълумотлар ушбу Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шакл бўйича хатлов ведомостига киритилади.

33. Чиқиндиларнинг пайдо бўлишини нормалаш асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятларига мувофиқ амалга оширилади (коммунал тусдаги чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилиши нормаланмайди).

Чиқиндиларнинг пайдо бўлиши нормативлари фойдаланилаётган хом ашё, материаллар ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдориغا нисбатан масса (ҳажм) бирликлари ҳисобида аниқланади.

Чиқиндилар пайдо бўлишининг фоизларда баҳоланадиган нормативлари бошланғич хом ашё эга бўлган айнан шу физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган чиқиндилар турлари бўйича аниқланади.

Бошланғич хом ашёга нисбатан ўзгартирилган тавсифларга эга бўлган чиқиндилар пайдо бўлиши нормативлари: кг/т, кг/м³, м³/минг м³ ўлчов бирликларида тақдим этилади.

Чиқиндилар пайдо бўлиши нормативларида қуйидаги методлар қўлланади:

ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти асосида материал-хом ашё баланси бўйича ҳисоблаш методи;

чиқиндилар пайдо бўлишининг солиштирма тармоқ нормативлари бўйича ҳисоблаш методи, улар тармоқ корхоналари учун чиқиндилар пайдо бўлиш нормативларининг индивидуал миқдорларини ўртача миқдорда ҳисоблаш йўли билан ва/ёки муайян (базавий) давр учун ҳисобот ахборотини таҳлил қилиш, норма ҳосил қилувчи энг муҳим (эксперт бўйича аниқланадиган) омилларни ажратиш ҳамда уларнинг режалаштирилаётган давр учун нормативлари миқдориغا таъсирини аниқлаш воситасида ишлаб чиқилади;

ҳисоблаш-таҳлилий метод маҳсулот ишлаб чиқаришдаги чиқинди ҳосил бўлишида, дастлабки технологик қурилмани хужжатлаштиришда (технологик харита, рецептура, регламентлар, ишчи чизмалар) ишлатилади. Хом ашё (материал)нинг нормадаги сарфига мувофиқ белгиланган бундай хужжатлаштириш асосида чиқиндилар пайдо бўлиши нормалари, хом ашё бирлиги ҳисобига хом ашё (материал)нинг нормадаги сарфи ва хом ашёнинг муқаррар қайтмайдиган йўқотилишидан кейинги ҳисобланган соф (фойдали) сарфи ўртасидаги фарқ бўйича ҳисоблаб аниқланади;

тажриба методи ишлаб чиқариш шароитларида тажриба ўлчовлари олиб бориш асосида чиқиндилар пайдо бўлиши нормаларини аниқлашдан иборат. Биринчи навбатда хом ашёнинг (материалларнинг) масса бирлигида олинган фойдали маҳсулот оғирлиги, тажриба ўлчовларини статистик қайта ишлаш асосида, хом ашёдаги фойдали маҳсулотнинг фоизлардаги улушини ифодаловчи кўрсаткич аниқланади. Ушбу кўрсаткичдан келиб чиқиб ва хом ашёдан ажратилган фойдали маҳсулот миқдоридан чиқиндиларнинг пайдо бўлиш миқдори аниқланади. Ўзлаштириш босқичида аниқланган маҳсулот ҳисобига чиқиндилар пайдо бўлиши нормалари тажриба йўли билан, типик маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги чиқинди миқдорини ўлчаш асосида аниқланади ва мавжуд турдаги маҳсулотнинг ўртача кўрсаткичи аниқланади;

ёрдамчи ва таъмирлаш ишлари учун чиқиндилар пайдо бўлишининг амалдаги ҳажмлари бўйича ҳисоблаш методи (статистика методи) базавий (3 йиллик) давр учун статистик ҳисобот ахбороти асосида чиқиндилар пайдо бўлиши нормативларини аниқлаш учун қўлланади, кейинчалик маълумотларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг материал сарфи камайтирилишини назарда тутувчи

режалаштирилаётган ташкилий-техник тадбирларга мувофиқ тузатишлар киритилади. Статистик маълумотлар охириги уч йил учун ишлаб чиқилади ва ишлаб чиқариш жараёни технологиясини ва ташкил этишни ривожлантириш тенденцияларига мувофиқ режалаштирилаётган давр учун солиштирма кўрсаткичларга тузатишлар киритилади;

саноат тармоклари бўйича чиқиндилар пайдо бўлишининг солиштирма нормативлари маълумотнома жадвали бўйича ҳисоблаш методи.

34. Чиқиндиларни жойлаштириш лимити ташкилот ҳудудида, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларида пайдо бўладиган чиқиндиларни вақтинчалик жойлаштириш массасининг чекланган миқдори, майдони ва муддатининг давом этишини белгилайди.

35. Чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари:

ташкилот лойиҳасида назарда тутилган ва унинг ҳудудида жойлашган чиқиндиларни узоқ вақт (бир йилдан кўп) сақлаш объектларига;

чиқиндилар доимий жойлаштириладиган объектларга (хазонлар сақланадиган, кўмиладиган, қазилган ерлар ва бошқаларга);

ер қаърига кўмиладиган чиқиндиларга;

радиоактив чиқиндиларга татбиқ этилмайди.

36. Ҳисоблаш лимити чиқиндиларни ташкилот ҳудудида жойлаштириш нормативи ҳисобланади ва ушбу Низомнинг 17-иловасига мувофиқ тақдим этилади.

37. Чиқиндиларни вақтинчалик жойлаштириш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг одамга ва атроф-муҳитга хавфли таъсири даражасини пасайтириш, шунингдек уларни келгусида қайта ишлаш ва утиллаштириш имконияти масалаларини ҳал этиш мақсадида ушбу Низомнинг 18-иловасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш режа-тадбирлари ишлаб чиқилади.

VI. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ташламалари, оқовалари манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш материалларини кўриб чиқиш тартиби

38. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ташламалари, оқовалари манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш материаллари қоғоз манбада расмийлаштирилади, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий органларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

39. Моддалар ташламалари, оқовалари манбаларини, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишини хатловдан ўтказиш материалларини кўриб чиқиш муддати Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан улар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан 15 кун этиб белгиланади, уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда материаллар расмий равишда расмийлаштирилган, асосланган мулоҳазалар ва уларни пухталаштириш бўйича таклифлар билан бирга ташкилотга қайтарилади.